
ЯНГИ ЙИЛ САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон тумани маркази, Яйпан шаҳридаги Деҳқон бозори ҳудудида "Янги йил ярмаркаси" ўз ишини бошлади.

Мазкур ярмаркани ташкил этиш ва бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, гўшт, қандолатчилик, мева-сабзавот маҳсулотлари арзон нархларда сотилишини таъминлаш мақсадида туман ҳокими Қ.Джураев бошчилигидаги барча сектор раҳбарлари бозор ҳудудида бўлишди.

Мутасадди ташкилот ва муассасалар масъуллари иштирокида байрам арафасида аҳоли ва харидорларга муносиб шароит яратиш чоралари кўрилди.

2020-12-18 23:41:40